




ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ



ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

илмий журнали

2000 йилдан бошлаб чиқа бошлаган

*Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан иқтисод фанлари доктори илмий
даражасини ҳимоя қилишда мақолалари ҳисобга олинган журналлар
рўйхатига киритилган*

2

2013

ТАЪСИСЧИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Таҳрир кенгаши раиси И.ф.д., проф. Ваҳобов А.В.

Таҳрир ҳайъати:

И.ф.д., проф. Ходиев Б., и.ф.д., проф. Бегалов Б., и.ф.д., проф. Абдурахмонов К.,
и.ф.д., проф. Алимов Р., и.ф.д., проф. Ахунова Г., и.ф.н., доц. Ахмедов И.,
и.ф.н., доц. Гадоев Э., Академик Гуломов С., и.ф.д., проф. Икромов М., и.ф.н. Тураев Б.,
и.ф.д., проф. Хасанов Б., и.ф.д., проф. Холмўминов Ш., и.ф.д., проф. Раҳимова Д.,
и.ф.д., проф. Иминов О., и.ф.н. Кўчқоров Ж., и.ф.д., проф. Қодиров А., Саидахмедов Ф.А.,
Назаров Н.Қ., Абдуллаев А.Н.

Бош муҳаррир и.ф.д., проф. Иватов И.

Тошкент Давлат иқтисодиёт
университетининг «Иқтисодиёт»
нашриёти томонидан нашрга тайёрланган.

Журнал Тошкент шаҳар Матбуот ва
ахборот бошқармасида 02-0041-рақами
билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-6130

© Иқтисодиёт ва таълим, 2013.

ТОШКЕНТ

Топилдиев С., Зиё Ш.	Иқтисодий либераллаштириш шароитида экспорт салоҳиятини оширишнинг молиявий муаммолари.....	79
Эргашева Ш., Туркманов А. Карлибаева Р.	Приоритеты аудита в условиях развития фермерского движения.....	83
Турдыева Г.	Корхоналарда молиявий натижаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизми.....	87
Адилъчаев Р., Абишов М., Қаипназарова Г.	Кредит қобилияти таҳлилида фойдаланиладиган ахборотнинг ишончилигин баҳолаш.....	90
	Эгри солиқлар бўйича солиқ юки ва унинг солиқ тўловчиларга таъсири.....	94

V. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Муминова Г.	The evolution of the Japanese financial industrial groups.....	99
Шодмонов Ш.	Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари.....	103
Якубов Н.	Анализ и прогноз мирового рынка вольфрама и молибдена.....	107

VI. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯ

Джумаев Т.	Стратегия социально-экономического развития горной зоны Узбекистана на долгосрочную перспективу.....	112
Имомов Р.	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг назарий асослари.....	116

VII. ФАН ВА ТАЪЛИМ

Ахунова Г.	Новая веха в развитии отечественной науки и образования.....	119
Файзуллаева Н.	Таълим мазмунинг ижтимоийлашуви ва тоифалаштирилиши.....	121
	Тадқиқотчининг докторлик диссертацияси мавзусини рўйхатдан ўтказиш ва «ОАК Бюллети» журналида эълон қилиш тартиби.....	126
	Муаллифларимиз.....	130

роспектив таҳлил босқичларида) ҳам амалга оширилиши лозим.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 8-б.
2. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ тизимида кредитлаш ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш тартиби. 89-б.
3. Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил, –Т.: Консаудитинформ – нашр, –348 б.
4. Qudratov T.Q., Ibrohimov M.M., Karimova Z.H. Iqtisodiy tahlil. –Т.: ILM ZIYO, 2005. –200 б.
5. Қудратов Т., Файзиева Н. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили, –Самарқанд, 2010. –272 б.

**И.ф.н. Р. Адильчаев, и.ф.н. М. Абишов,
тадқ. Г. Қайназарова**

**Эгри солиқлар бўйича солиқ юки ва унинг солиқ
тўловчиларга таъсири**

Мақолада иқтисодийни либераллаштириш шароитида эгри солиқларнинг миллий иқтисодий тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсири, улар фаолиятини рағбатлантиришдаги ўрни ва ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини баҳолаш масалалари таҳлил ва тадқиқ этилган.

В статье рассматриваются вопросы влияния косвенных налогов на деятельность хозяйствующих субъектов действующих в отраслях национальной экономики, произведен анализ и исследование роли косвенных налогов в стимулировании деятельности предприятий, а также оценка влияния на их производственную эффективность.

This article examines issues of indirect taxes affect on some businesses of national economy, role of indirect taxes in stimulating business transactions is analyzed and investigated, production efficiency influence assessment has been carried out.

Калитли сўзлар: эгри солиқлар, иқтисодийни либераллаштириш, миллий иқтисодий, хўжалик юритувчи субъектлар.

Иқтисодийни либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида эгри солиқларни миллий иқтисодий тармоқларида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсири, улар фаолиятини рағбатлантиришдаги ўрни ва пировард натижада хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир даражаларини баҳолаш солиқ тизими олдида турган долзарб масалаларидан биридир. Демак, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «... солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб - қувватлаш»[1] муҳим масалалардан саналади.

Ҳар қандай солиқ тизимининг ажралмас қисми, қолаверса, энг мураккаб жиҳатларини намоён этувчи ҳолат, бу солиқ юки ҳисобланади. Солиқ турлари бўйича солиқ юкини мунтазам равишда ўрганиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи:

- солиқ юкини таҳлил этиш ва уни тўғри аниқлаш солиққа тортишнинг адолат-

лилиқ тамойили юзага чиқишини таъминлайди;

- солиқ юки солиқ тўловчиларнинг солиқларга бўлган муносабатларини аниқлашга имкон яратади;

- солиқ юкини таҳлил этиш иқтисодий тармоқларида ўзаро мутаносиблик ҳолатини ўрнатишга йўналиш беради;

- давлат иқтисодий (солиқ) сиёсатининг самарасини аниқловчи омил бўлиши билан бирга, уни тўғри белгилаб бориш давлатнинг иқтисодийга оқилона таъсир этишини таъминлашга хизмат қилади.

Юқорида таъкидланганлардан кўринадики, эгри солиқлар бўйича солиқ юкини тадқиқ этиш ва унинг ҳолатига тўғри баҳо бериш эгри солиқларнинг амал қилиш механизминини тўлақонли ёритиш имконини яратади. Шундан келиб чиқиб, биз эгри солиқларга тегишли солиқ юки жараёнини таҳлил этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Солиқ юки муаммоси юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳозирги кунга қадар миллий даромад ва давлат бюджети ўртасида муайян меъёрни ўрнатишга бош

масала сифатида қаралмоқда. Аммо, солиқ юки иқтисодий тизимнинг турлича шакллари асосланган давлатларда умумий кўринишга, миллий хўжалик доирасида ҳамда иқтисодий ҳудудлар бўйича ўзига хос хусусиятга, ҳатто мулкчилик шакллари ва тармоқлар бўйича ҳам ўзаро фарқли жиҳатларга эга.

Давлат хазинаси ва миллий даромад ёки ялпи миллий маҳсулот ўртасидаги нисбатнинг оқилона вариантда ўрнатилиши, бир томондан, давлат харажатлари миқдорига боғлиқ бўлса, бошқа томондан, жамиятда яратилган миллий даромад (маҳсулот)ни тақсимлаш механизмига, қолаверса, ташки омиллар ва шу кабиларга боғлиқ бўлади.

Солиқ юки муаммосини ҳал этиш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўз ўрнини топиши билан бир қаторда, иқтисодий пропорцияларни таъминлашга ҳам ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Бироқ, солиққа тортиш назариясида солиқ юки муаммосига турлича ёндашувлар мавжуд. Айрим иқтисодчилар солиқ юкини бюджетнинг миллий даромадга нисбатидан келиб чиқиб баҳолаш лозимлигини уқтиришади[2]. XX асрнинг йигирманчи йилларида иқтисодчи олим К. Шмелев солиқ юкини баҳолашда унинг икки элементи: солиққа тортиш тушумлари; солиқ тушумларининг халқ хўжалигига босими (таъсири) ёки хусусий оғирлик даражасини ҳисобга олишни таклиф этади[3]. Бу даврларда солиқ юки билан боғлиқ илмий тадқиқотларда солиқ тушумларининг алоҳида олинган хусусий хўжаликларга ва бутун халқ хўжалигига босимининг таъсирини ўрганиш масаласи бош муаммо сифатида намоён бўлди. Шундан келиб чиқиб, солиқ юкининг турли соҳалардаги хусусиятларини тадқиқ этиш кейинги илмий ишларнинг диққат марказига чиқа борди.

Кейинги йилларда солиқ юки муаммоси республикамиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларидан ҳам ўрин олди. Хусусан, иқтисод фанлари доктори М. Альмарданов солиқ юкининг талбиркорлик фаолиятига таъсирини тадқиқ этиб, кейинги йилларда солиқ юкини аниқлашда қўлланилаётган услубиятнинг бир қатор камчиликларини кўрсатиб бериб, уни ҳисоблашда мутлақ (абсолют) ва нисбий солиқ юкини фарқлашни таклиф этади. М. Альмардановнинг фикрича,

эгри солиқлар корхоналар солиқ юкини қучайтиради, бу солиқлар ўзгача ўтказиладиган бўлишига қарамасдан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг охириги истеъмолчилари – уларнинг реал тўловчиларидир... корхона кўшилган қиймат солигининг «кириш»даги суммаси қопланади[4]. Натижада, кўшилган қийматга ҳисобланган ҚҚС суммаси корхоналар томонидан бюджетга тўланади ва у корхона солиқ юкини ҳисоблашда эътиборга олинмиши, солиқ тўловлари таркибига киритилиши лозим. Профессор Т. Маликов солиқ юкига қуйидагича таъриф беради: «Солиқ оғирлиги (юки, «зулми») – давлат ва жамият ҳаётида солиқларнинг ролини характерлаб (кўрсатиб) берадиган умумлашган кўрсаткич. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва даромадларида солиқ ажратмаларининг салмоғини (ҳиссасини) кўрсатувчи бозор иқтисодиётининг амалга оширилаётган моделидан келиб чиқадиган ўлчам; солиқ йиғимларининг жами миллий маҳсулотга нисбати билан аниқланади»[5]. Ўз навбатида профессор Қ. Яҳёев солиқ юкини «Тўловчининг ҳамма солиқлар ва йиғимлар йиғиндисидан бюджетга тўлашидир. Солиқ оғирлиги фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади», деб ҳисоблайди[6].

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда ҳулоса қиладиган бўлсак, солиқ юки солиқ тўловчилар иқтисодий фаолиятини амалга ошириш натижасида яратилган ёки топилган қийматнинг қанча қисми мажбурий тўловлар сифатида бюджетга ва бошқа фондларга йўналтирилганлигини ифодалайди. Солиқ юки, одатда, жамият (миллий иқтисодиёт), соҳалар, тармоқлар, алоҳида олинган корхона ҳамда индивидлар доирасида мавжуд бўлади ва уларнинг ҳар бири бўйича солиқ юкини таҳлил этиш бирмунча фарқланади. Солиқ юкини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири ялпи ички маҳсулотнинг бюджетга йўналтирилган қисми кўрсаткичидир. Шунга мувофиқ миллий иқтисод доирасида хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини бюджетнинг мақсадсиз ва мақсадли фондлари (мулк қўмитасининг маҳсулоти варағидаги суммасини чегирган ҳолда) йиғиндисининг ялпи ҳудудий (ички) маҳсулот миқдорига нисбати ва фойзадаги ифодаси сифатида баҳолаш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таҳлили
(фоиз ҳисобида)*

Кўрсаткичлар	2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил	
	Жами даромадга нисбатан	ЯХМга нисбатан	Жами даромадга нисбатан	ЯХМга нисбатан	Жами даромадга нисбатан	ЯХМга нисбатан	Жами даромадга нисбатан	ЯХМга нисбатан	Жами даромадга нисбатан	ЯХМга нисбатан
Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)	X	100	X	100	X	100	X	100	X	100
Давлат бюджети даромадлари, жами	100	14,0	100	14,8	100	14,9	100	15,0	100	18,4
Шу жумладан:										
1. Тўғри солиқлар, жами	39,7	5,5	38,5	5,7	45,0	6,7	44,9	6,7	39,0	7,2
2. Эгри солиқлар, жами	40,1	5,6	36,3	5,4	33,0	4,9	33,9	5,1	36,3	6,7
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиқлари	15,4	2,1	19,8	2,9	18,0	2,7	17,0	2,5	19,1	3,5
4. Бошка даромадлар ва солиқсиз тушумлар	4,8	0,8	5,4	0,8	4,0	0,6	4,2	0,7	5,6	1,0

* Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ЯХМ (ялпи ҳудудий маҳсулот)га нисбатан 2008 йилда 14,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йилга келиб, 18,4 фоизга етган. Бу кўрсаткичларнинг ўсиши салбий ҳолат ҳисобланиб, иқтисодиётда солиқ юкининг ўсиб бораётганлигини англатади. Демак, Қорақалпоғистон Республикасида кейинги 5 йил давомида солиқ юки 4,4 фоизга ортган.

Эгри солиқларнинг ЯХМдаги улуши эса 2009 йилда 5,4 фоизни, 2010 йилда 4,9 фоизни, 2011 йилда 5,1 фоиз ва 2012 йилга келиб, 6,7 фоизни ташкил қилган, бу кейинги йилларда солиқ юкининг истеъмолга ўтиш жараёни содир бўлаётганлигини тасдиқлайди.

Биз таҳлил қилаётган йилларда Қорақалпоғистон Республикасида эгри солиқлар бўйича солиқ юкига нобарқарорлик (2008 йилда эгри солиқларнинг бюджетдаги ҳиссаси 40,1 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилда 33,0 фоиз ва 2012 йилда 36,3 фоизни ташкил этган) хусусияти намоён бўлмоқда.

Ўтган йиллар давомида солиқ юки билан боғлиқ жараёнларни таҳлил этадиган бўлсак, иқтисодий тармоқларни ривожлантиришдаги ижобий ўзгаришлар ва солиқ қо-

нунчилигида эркинлаштириш сиёсатининг давом эттирилиши, солиқ тўловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари янада кучайтирилиши натижасида, солиқ объектининг кенгайиши ҳамда бюджетга қўшимча молиявий маблағларни йўналтириш имконини яратади.

Эгри солиқлар бўйича солиқ юкининг кейинги йилларда пасайиб бораётганлиги қуйидаги омиллар таъсирида юз бермоқда:

- аввало, иқтисодиётда барқарорлашув ҳолати давом этиши оқибатида инфляция пасайиб бориши туфайли нархларнинг барқарорлашиши;

- эгри солиқлар туфайли (масалан, ҚҚС бўйича ноллик ставканинг қўлланилиши) айрим турдаги солиқ тўловчиларнинг фаолияти рағбатлантирилиши;

- тўғри солиқлар туфайли солиқ тўловчилар фаолиятида рағбатлантирувчилик ролининг ошиб бориши (фойда солиғи ставкасининг пасайтирилиши, солиқ имтиёзларининг кўпайтирилиши) оқибатида тўғри солиқлар бўйича қўшимча солиқ объекти вужудга келиши ҳисобига эгри солиқлар улущининг ортиб бориши;

- солиқ боқимандалиги бўйича асосий улуш эгри солиқлар ҳиссасига тўғри келмаётганлиги, яъни бу солиқлар бўйича боқи-

мандалик ҳолати вужудга келиши тўғри солиқларга нисбатан тезроқ юз бериши оқиба-тида эгри солиқлар бўйича солиқ юки ялпи ички маҳсулотга нисбатан камайишига олиб келган.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий тараққиёт суръатининг ошиб боришига нисбатан эгри со-

лиқлар юкининг камайиб бориши тескари мутаносибликда рўй беради. Иқтисодий ривожланиш хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад олиш манбаи ва солиқ объектининг кенгайишини характерлайди ҳамда бюджетга тўғри солиқлардан кўпроқ молиявий ресурслар йўналтирилишига олиб келади.

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича солиқ тушумларининг динамик таҳлили (фоиз ҳисобида)*

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
I. Солиқлардан тушган жами даромадлар	100	100	100	100	100
1. Тўғри солиқлар	39,7	38,5	45,0	44,9	39,0
2. Эгри солиқлар	40,1	36,3	33,0	33,9	36,3
2.1. Кўшилган қиймат солиғи	22,9	22,0	20,1	22,6	25,2
2.2. Акциз солиғи	14,3	11,3	9,4	7,8	7,1
2.3. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	2,9	3,0	3,6	3,4	4,0
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	15,4	19,6	18,0	17,0	19,1
4. Бошқа солиқлар ва тўловлар.	4,8	5,5	4,0	4,2	5,6

* Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2-жадвал маълумотларига кўра, эгри солиқлар жумласига кирувчи кўшилган қиймат солиғи 2011 йил Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлар ижросида 22,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга Давлат бюджети даромадларидаги ҳиссаси 25,2 фоиз бўлган.

Акциз солиғи бўйича эса ушбу ҳолат 2011 йилда 7,8 фоиз ва 2012 йил 7,1 фоиз бўлганлигини кўришимиз мумкин. Акциз солиғи бўйича жорий йилда солиқ юкининг камайтирилишига асосий сабаб, кейинги йилларда акциз солиғига тортиладиган бир қатор товарлар бўйича акциз солиғи ставкасининг қатъий белгиланганлигидир.

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг Давлат бюджети даромадларидаги ҳиссаси 2008 йилда 2,9 фоиз бўлган бўлса, 2012 йил 4,0 фоизни ташкил этган. Ушбу солиқ бўйича кейинги йилларда ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланишида асосий ўринни солиқлар эгаллайди. Бозор муносабатларига асосланган давлатларда солиқлар бюджет даромадларини шакллантиришда ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим вазифалар-

ни амалга оширади. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш давлатнинг солиқ сиёсати билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ислохотлари ушбу тизимнинг самарали ишлаши учун мавжуд муаммоларни ечишни талаб этмоқда. Шу боис солиқ тизимининг муҳим йўналишларидан ҳисобланган, хўжалик субъектларидан олинадиган эгри солиқларни такомиллаштириш мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Эгри солиқлар бўйича солиқ юкига солиқ ставкалари, берилаётган имтиёзлар, солиқ тўловчилар сони, солиқ тўловчилари бўйича бериладиган таътиллар ҳам таъсир этади. Эгри солиқ бўйича солиқ юкининг пасайиши иқтисодий тараққиётнинг ривожланиши, инфляциянинг камайганлигини ифодаласа, солиқ юкининг ошиши эса солиқ сиёсатида корхоналар солиқ юкининг малум қисмини истеъмолчилар зиммасига юклашга қаратилган солиқ сиёсати олиб борилаётганлигини характерлайди. Бу сиёсат бир томондан, корхоналарнинг инвестицион фаолиятига ижобий таъсир қилса, бошқа томондан, истеъмолчиларнинг реал даромадлари камайишига, нархлар ошиши ва корхоналар иш-

лаб чиқарган товарлар омборларда қолиб кетишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат солиқ сиёсатининг самараси кўп жиҳатдан олганда, эгри солиқлар бўйича солиқ юки даражасини иложи борича муайян белгилаш ва тақсимлаш жараёнига боғлиқ. Эгри солиқлар бўйича солиқ юкини муайян белгилашда фикризмизча, солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фа-

оллигини камайтирмаслик, истеъмолчининг реал пул даромади ҳаддан зиёд камайиб кетишига йўл қўймаслик, қолаверса, айрим олинган хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини бошқа солиқ тўловчилар ҳисобидан қопламаслик ҳолатларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришидир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 41-б.
2. Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. Избранное. –М.: Антология экономической мысли, 2007. С. 163.
3. Пушкарёва В.М. История финансовой мысли и политики налогов: учебное пособие, –М.: Финансы и статистика, 2005. С. 185.
4. Алымарданов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришига солиқ тизимининг таъсири. Монография, –Т.: ТМИ, 2003. 233-б.
5. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Монография –Т.: Академия навириёти, 2002. 164-б.
6. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. 19-б.

ИҚТИСОДИЁТ

ВА

ТАЪЛИМ

2

2013

Материаллар кўчириб босилаётганда «Иқтисодиёт ва таълим» журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланадилар. Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди. Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Муҳаррирлар: Мадумарова Г.Э., Йўлдошев З.Х.

Компьютерчи: Мансурова С.М.

Теришга берилди: 2013 й. 04. 20. Босишга рухсат этилди: 2013 й. 04. 27.

Бичими 70 x 108, 1/16. Офсет усулида ёзув қоғозига босилди.

Шартли босма табағи: 10,8. Нашриёт-ҳисоб табағи 10,1.

Адади 1000 нусха. 145-сонли буюртма.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети,
100003, Тошкент, Ўзбекистон шохкўчаси, 49-уй.

Мурожаат учун телефон: 232-63-44.

ТДИУ босмаҳонасида босилди